



# «FINANCE AUDIT» MCHJ

## auditorlik tashkiloti

O'zbekiston Respublikasi Andijon shahri, Navoiy shoxkuchasi 35 uy, h/r: 20208000300276242001, ТИФ Миллий банк Анд вилоят бўлими, МФО: 00074, INN:302754484, тел: (90) 254-16-20, email: [financeaudit2019@mail.ru](mailto:financeaudit2019@mail.ru) Молия вазирлиги томонидан 01.04.2019 й №00754 сонли лицензия эгаси

### АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Ижобий фикр билдирилган

Хулоса санаси : 30 апрель 2021 йил

«Шахрихон пахта тозалаш» АЖ  
Рахбариятига

«Шахрихон пахта тозалаш» АЖ нинг манзили ва банк реквизити: Ўзбекистон Республикаси, Андижон вилояти, Шахрихон тумани, Гулистон МФЙ, Буюк ипак йўли, ОАТБ «Аробанк», Шахрихон бўлими, МФО:00037, х/р 2021 0000 0002 7336 6001, ИНН : 200251316.

Мен, «FINANCE AUDIT» MCHJ аудиторлик ташкилоти (манзил: 17034001, Андижон шаҳри, Навоийшох кучаси 35 уй, ТИФ Миллий банк Андижон бўлими, МФО 00074, ИНН 302754484, Оқонх 84400, тел: 99890 254-16-20, email [financeaudit2019@mail.ru](mailto:financeaudit2019@mail.ru), Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Андижон шаҳар давлат хизматлар маркази томонидан 2019 йил 5 январда 17559-тартиб рақами билан қайта рўйхатга олинган ва Молия Вазирлигининг 2019 йил 1 апрелдаги 00754-сонли лицензия эгаси) ташкилот раҳбари, аудитори У.Рахмонова (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2016 йил 16 январда берилган 05365 рақамли аудиторлик малака сертификатига эга) хужалик юритувчи субъект «Шахрихон пахта тозалаш» АЖ нинг тақдим этган молиявий ҳисоботлари ишончилигини аудиторлик текширувдан ўтказдим.

#### Хужалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хужалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

#### Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Шахрихон пахта тозалаш» АЖ томонидан илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувдан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик буйича бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб қурсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ва ўтказишни такозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик иш режаси асосида текширув ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик иш дастурини тузиш ва танлаш бизнинг мулоҳазамазнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тугрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

#### Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча ижобий фикр билдириш учун асос бўладиган «Шахрихон пахта тозалаш» АЖ 2020 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботлари барча муҳимлилик жиҳатлари буйича унинг молиявий-хужалик фаолияти натижаларини ўз молиявий ҳолатини ҳаққоний ақс эттиради.

«FINANCE AUDIT» MCHJ  
аудиторлик ташкилоти раҳбари



У.Рахмонова